

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ «ФАН ва ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ
УНИТАР КОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ «ФАН ва ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ
УНИТАР КОРХОНАСИ**

ИКРАМОВА МУҚАДДАС ЭРАЛИЕВНА

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁ ВА САНОАТ ЧИҚИНДИЛАРИ АСОСИДА
БУРҒУЛАШ ЭРИТМАЛАРИ УЧУН ВА МИС-МОЛИБДЕНЛИ
МАЪДАНЛАРНИ ФЛОТАЦИЯ ҚИЛИШ УЧУН ИМПОРТ ЎРНИНИ
БОСУВЧИ КЎП ФУНКЦИЯЛИ КОМПОЗИЦИОН КИМЁВИЙ
РЕАГЕНТЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.07 – Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллари кимёси ва технологияси
05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва
босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси
(техника фанлари)

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Content of the dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Икрамова Муқаддас Эралиевна

Маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндилари асосида бурғулаш эритмалари учун ва мис-молибденли маъданларни флотация қилиш учун импорт ўрнини босувчи кўп функцияли композицион кимёвий реагентларни ишлаб чиқиш..... 3

Икрамова Муқаддас Эралиевна

Разработка многофункциональных импортозамещающих композиционных химических реагентов на основе местного сырья и отходов производств для буровых растворов и для флотации медно-молибденовых руд..... 31

Ikramova Mukaddas Eralievna

Development of multifunctional import-substituting composite chemical reagents based on local raw materials and industrial waste for drilling fluids and for flotation of copper-molybdenum ores..... 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 63

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА**
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ «ФАН ва ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ
УНИТАР КОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА**
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ «ФАН ва ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ
УНИТАР КОРХОНАСИ

ИКРАМОВА МУҚАДДАС ЭРАЛИЕВНА

МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁ ВА САНОАТ ЧИҚИНДИЛАРИ АСОСИДА
БУРҒУЛАШ ЭРИТМАЛАРИ УЧУН ВА МИС-МОЛИБДЕНЛИ
МАЪДАНЛАРНИ ФЛОТАЦИЯ ҚИЛИШ УЧУН ИМПОРТ ЎРНИНИ
БОСУВЧИ КЎП ФУНКЦИЯЛИ КОМПОЗИЦИОН КИМЁВИЙ
РЕАГЕНТЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

02.00.07 – Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллари кимёси ва технологияси
05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва
босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси
(техника фанлари)

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.DSc./Т388 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ислоом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва таракқиёт» давлат унитар корхонасида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)). Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.gurft.uz ва «ZiyoNET» ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Негматов Сайибжан Садикович
техника фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА академиги

Негматова Комила Сайибжановна
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оponentлар:

Абед Нодира Сайибжановна
техника фанлари доктори, профессор,

Хамидов Босит Набиевич
техника фанлари доктори, профессор

Мухторов Нуриддин Шамшиддинович
техника фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент кимё-технология институти


Диссертация ҳимояси Ислоом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тарққиёт» давлат унитар корхонаси ҳузуридаги DSC.03/30.12.2019.K/T.03.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «20» декабрь соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7а уй. Тел.: (99871)246-39-28, факс: (99871)227-12-73, 246-02-24, E-mail: fan va taraqqiyot@mail.ru, «Фан ва таракқиёт» ДУК биноси, 2-кават, анжуманлар зали).

Диссертация билан «Фан ва таракқиёт» давлат унитар корхонасининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№.30 -21 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент, Мирзо Ғолиб кўчаси, 7а уй. Тел.: (99871)246-39-28, факс: (99871)227-12-73).

Диссертация автореферати 2021 йил «06» декабрь куни тарқатилди.
(2021 йил «18» ноябрдаги 30-21 рақамли реестр баённомаси)




Т.О. Камолов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, т.ф.д.


Н.Х. Толипов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий қотиби, т.ф.д., к.и.х.


А.М. Эминов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор.

Кириш (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги вақтда дунёда нефть, газ, рангли ва қимматбаҳо металлларга бўлган талаб жуда катта бўлиб, уларни ишлаб чиқаришда кимёвий реагентлардан фойдаланиш муҳим ўрин эгаллайди. Нефть ва газни қазиб олиш жараёнида, асосан нефть ва газ қудуқларини бурғулаш жараёнида бурғулаш эритмаларини барқарорлаштириш учун қиммат ва камёб бўлган кимёвий реагентлар, маъданларни бойитиш йўли билан рангли ва қимматбаҳо металлларни ажратиб олишда эса қимматбаҳо флотацион кимёвий реагентлар ишлатилади. Бу борада, нефть ва газ қудуқларини бурғулаш ҳамда рангли ва қимматбаҳо металлларни ажратиб олишда ишлатиш учун маҳаллий хом ашё ва саноат чиқиндилари асосида арзон ва самарали кўп функцияли композицион кимёвий реагентларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда саноатнинг нефть-газ ва металлургия соҳаларида қўлланилиши мумкин бўлган, бир қатор муҳим хусусиятларга эга бўлган, экологик ва кимёвий жиҳатдан тоза маҳсулотларни олиш имконини берувчи минерал хомашё ва саноат чиқиндиларини қайта ишлашнинг тежамкор усулларини яратиш мақсадида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада рангли, қимматбаҳо ва камёб металлларнинг камабағал маъданларини флотацион бойитиш учун ва нефть-газ саноатида ишлатиладиган бурғулаш эритмаларини тайёрлаш учун маҳаллий хом ашё ва саноат чиқиндиларидаги органоминерал ингредиентлар асосида янги, самарали ва арзон кўп функционалли композицион кимёвий реагентлар олиш технологиясини яратиш алоҳида аҳамиятга эга.

Республикада металлургия саноатида рангли металллар маъданларини флотация қилиш жараёнида қўлланиладиган кимёвий флотореагентлар ва нефть-газ қудуқларини бурғулашда ишлатиладиган бурғулаш эритмалари учун зарур бўлган кимёвий реагентларни яратиш бўйича илмий изланишлар олиб боришга катта эътибор қаратилиб, давлат стратегик ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси дастурининг тўртинчи йўналишида «... мутлақо янги турдаги маҳсулот ва технологиялар билан таъминлаш, шу асосда ташқи ва ички бозорда рақобатбардош маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлаш...»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндилари асосида арзон нархдаги кўп функционалли композицион кимёвий реагентларни ишлаб чиқиш ҳамда нефть, газ, рангли, қимматбаҳо ва камёб металлларни ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун қиммат, импорт қилинадиган ва танқис реагентларни алмаштириш муҳим аҳамият касб этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг бешта устувор йўналишларидаги ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги № ПФ-4947-сонли Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 июлдаги ПҚ-4401-сон «2020-2021 йилларда ер қаърини геологик ўрганишни янада такомиллаштириш ҳамда минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва тиклаш давлат дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 24 августдаги ПҚ-4426-сон «Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳамда ишлаб чиқариш соҳасида кооперацияни жадаллаштиришнинг янги тизимини жорий этишдаги масъулиятини янада ошириш тўғрисида»ги, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4477-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2019-2030 йилларга мўлжалланган «яшил» иқтисодийга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2020 йил 15 мартдаги ПҚ-6079-сон «Рақамли Ўзбекистон - 2030» Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Нефть-газ ва металлургия соҳаларидаги илмий тадқиқотларга ва саноат чиқиндиларини комплекс қайта ишлаш асосида янги кимёвий реагентлар яратиш технологиясини ишлаб чиқишга йўналтирилган тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: American Petroleum Institute, Stanford University Petroleum Engineering, University of Texas at Austin, Missouri University of Science and Technology, University of Houston, Texas Tech University, New Mexico Institute of Mining and Technology, Louisiana State University (АҚШ), SAIT (Канада), Institute of Petroleum, Robert Gordon University (Англия), Norway University of Science and Technology (Норвегия), Heriot-Watt University (ВАА), China University of Petroleum, Research Institute of Drilling Engineering, China University of Geosciences (Хитой), Indian Institute of Technology Madras, (Хиндистон), King Fahd University of Petroleum and Minerals (Саудия Арабистони), Australian Curtin University of Technology (Австралия), Alborg University (Дания), МДУда, Миллий тадқиқотлар ва технологиялар университети, Санкт-Петербург давлат политехника университетида, Томск политехника университети, Омск давлат техника университетида, Тектоника ва геофизика институтида УШБ РФА (Россия), Тоғ-металлургия институтида (Қозғоғистон), Украина давлат кимёвий технология университетида (Украина), Минерал ресурслар институтида, ЎЗР ФА Геология ва геофизика институтида, Умумий ва

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <http://www.natlib.uz/ru>; <http://earthpapers.net>; <http://www.ngtp.ru>; <http://www.geokniga.org/books>; <http://geologinfo.ru>; <https://www.burnipi.ru> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

ноорганик кимё институтида, Тошкент кимё-технология институтида ва Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонасида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Жахонда саноат чиқиндиларини қайта ишлаб янги композицион кимёвий реагентлар яратиш ва технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда мавжуд технологияларни такомиллаштиришга оид олиб борилган тадқиқотлар бўйича бир қатор илмий натижаларга эришилган, жумладан: нефть-газ саноатида ишлатиладиган турли хил кимёвий реагентларни самарали таркиби, биополимерлар, кремний бирикмалари асосидаги геллар ва улар асосида бурғулаш эритмаларини тайёрлаш усуллари ишлаб чиқилган (American Petroleum Institute, Standford University Petroleum Engineering, University of Texas at Austin, Missouri University of Science and Technology, University of Houston, Texas Tech University, New Mexico Institute of Mining and Technology); нефть-газ қудуқлари қатламларининг босими ўзгаришига қараб зарур бўлган кимёвий реагентлар ва улар асосида енгил, ўрта ва оғирлаштирилган бурғулаш эритмаларининг самарали таркибларини яратиш ва уларнинг физик-кимёвий ва технологик хоссаларини аниқлаш (Institute of Petroleum, Robert Gordon University (Англия), Norway University of Science a Technology (Норвегия), Heriot-Watt University (ВАА), China University of Petroleum, Research Institute of Drilling Engineering, China University of Geosciences (Хитой), Indian Institute of Technology Madras, (Хиндистон), King Fahd University of Petroleum and Minerals (Саудия Арабистони), Москва нефть ва газ институти, Тюмен давлат нефть-газ университети).

Металлургия соҳасида турли хил техноген чиқиндиларни қайта ишлаш ва қимматбаҳо компонентларни комплекс ажратиб олиш усули ишлаб чиқилган (University of Nevada ва University of Utah, АҚШ); техноген чиқиндилардан нодир металлларни ажратиб олишда ишлатиладиган флотореагентларни яратиш технологияси ишлаб чиқилган (О.А. Байконуров номидаги Тоғ-металлургия институти); рангли, ноёб ва қимматбаҳо металлларни ажратиб олиш усули ишлаб чиқилган (Достоевский номидаги Омск давлат университети); маъданларни бойитишда флотореагентлардан фойдаланиш аниқланган (Санкт-Петербург давлат политехника университети); техноген чиқиндиларнинг атроф муҳитга таъсирини ўрганувчи омиллар аниқланган ва уларни ҳал этиш йўллари кўрсатилган («Узоқшарқ федераль университети»); атроф-муҳитдаги антропоген таъсирни камайтириш учун иккиламчи ресурслар сифатида металлургия ва кимё корхоналари чиқиндилардан фойдаланиш имконияти аниқланган (Томск политехника университети).

Дунёда ишлаб чиқариш чиқиндиларини комплекс қайта ишлаш орқали қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: саноат чиқиндиларининг технологик минералогиясини таркибий қисми бўлган қимматбаҳо компонентлар жойлашувининг минералогик ва комплекс таркибини аниқлаш; композицион кимёвий реагентлар ва улар асосида нефть ва газ қудуқларини бурғулашда ишлатиладиган бурғулаш эритмаларининг таркиби, тури, табиати ва нисбатларига қараб уларнинг физик-кимёвий ва

технологик хоссаларининг ўзгаришини аниқлаш; маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндилари асосида маъданларни флотацион бойитишда ишлатиладиган композицион кимёвий флотореагентларнинг турли хил самарали таркибларини яратиш; импорт ўрнини босувчи композицион кимёвий флотореагентларни янги таркибларини яратишнинг тамойилларини ва механизмларини асослаш; рангли, нодир ва қимматбаҳо металлларни флотация жараёнида ажратиб олишда флотореагент ва металл заррачалари орасида содир бўладиган механизмларини аниқлаш ва илмий асослаш; рангли, нодир ва қимматбаҳо металлларни флотация жараёнида ажратиб олиш кинетикасини ўрганиш; маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндилари асосида кўп функционалли композицион кимёвий реагентларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё амалиётида композицион кимёвий реагентлар ва бурғулаш эритмаларини яратиш ва ишлаб чиқаришда ўзларининг салмоқли хиссаларини кўшган олимлардан: В. DeWolfe, J.Fink, Р.С. Ахмадеев, Г.Д. Дедусенко, А.А. Берлин, С.Ю. Жуховицкий, Э.Г. Кистер, Л.К. Мискарли, И.М. Тимохин, В.Д. Городнов, Н.Ф. Семенов, И.Д. Фридман, Е.Д. Щеткина А.Н. Ятров, К.С. Ахмедов, Ҳ.У. Усмонов, С.С. Негматов, М.А. Аскарлов, С.Ш. Рашидова, Р.С. Тиллаев, А.Х. Юсупбеков, К.С. Негматова ва бошқалар.

Кимёвий реагентлар ва оғирлаштирилган бурғулаш эритмаларини ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш борасидаги илмий тадқиқотлар: В. Barret, Е. Vouse, Б. Строуда, О.К. Ангелопуло, А.И. Булатов, Ю.М. Басарыгин, И.Н. Резниченко, С.А. Рябокон, В.П. Овчинников, М.М. Гайдаров, А. Адамсон, М.Р. Мавлютов, А.Х Мирзаджанзада, У.Д. Мамаджанов, Г. Рахмонбердиев, А.К. Рахимов, Ю.К. Рахимов, А.Р. Аминов, Н. Ёдгоров ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Рангли ва қимматбаҳо металл рудаларни флотацион бойитиш учун флотореагентлар олиш ва уларнинг хусусиятларини ўрганиш соҳасидаги илмий тадқиқотлар, қўйидаги олимлар томонидан амалга оширилган: И.Н. Плаксин, В.И. Классен, В.А. Мокроусов, К.Ф. Белоглазов, С.И. Митрофанов, О.С. Богданов, О.Н. Тихонов, А.Д. Погорелий, В.А. Чантурия, В.А. Бочаров, А.А. Григорев, В.И. Рябой, А.А. Абрамов, Н.И. Духанин, М.М. Сорокин, Т.И. Юшина, Б.А. Степанов, Ж. Баа-тархуу, Н.В. Матвеев, В.А. Глембоцкий, Х.Т. Шарипов, Х.И. Акбаров, З.А. Тожиходжаев ва бошқалар.

Адабиётлар тахлилига кўра, ҳозирги кунга қадар саноат корхоналари техноген чиқиндиларидан нефть-газ қудукларини бурғулашда ишлатиладиган бурғулаш эритмаларини тайёрлаш учун кимёвий реагентлар яратиш, маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндилари асосида импорт ўрнини босувчи композицион кимёвий флотореагентларнинг янги самарали таркибини яратиш ва уларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш муаммоси мавжудлигини таъкидлаш лозим. Шу муносабат билан нефть-газ ва металлургия саноатлари учун маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндиларидаги органоминерал ингредиентлар асосида арзон, самарали композицион кимёвий реагентлар ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган илмий изланишлар республикамиз саноат-корхоналари учун муҳим

илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Илмий тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» Давлат унитар корхонаси ва «КОМПОЗИТ NANOTECHNOLOGIYASI» МЧЖ билан ҳамкорликда илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ №ПЗ - 20170927219 «Ўзбекистон Республикаси ва чегарадош Марказий Осиё мамлакатларининг нефть-газ майдонларидаги мураккаблашган кон-геологик шароитларда нефть қудуқларини бурғулашда қўлланиладиган энгиллаштирилган, ўртачалаштирилган ва оғирлаштирилган бурғулаш эритмаларини олиш учун кўп функционалли кимёвий реагентларнинг янги таркибларини ишлаб чиқариш технологиясини яратиш» (2018-2020 йй.), №А-БВ-2019-3 ««Олмалик КМК» АЖ ишлаб чиқариш шароитида рангли ва қимматбаҳо металл рудаларни флотация қилиш жараёнида қўллаш учун маҳаллий ва иккиламчи хом ашёлар асосида импорт ўрнини босувчи флотореагент-кўпиклантирувчи моддаларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш» (2019-2022 йй.), №63-2172 ЮР «Маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндилари асосида композицион кимёвий флотореагентларнинг самарали таркибини ва олиш технологиясини ишлаб чиқиш» (2020-2021 йй.) мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндилари асосида бурғулаш эритмалари учун ва мис-молибденли маъданларни флотация қилиш учун импорт ўрнини босувчи кўп функцияли композицион кимёвий реагентларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ИК – спектроскопия, индуктив боғланган плазмали масс-спектроскопия (ICP-MS), рентгенфазавий таҳлили (РФТ), дифференциал термик таҳлил (ДТТ) усуллари ёрдамида кимёвий ва минерологик таҳлилнинг юқори аҳборот инструментларидан фойдаланиш билан «Олмалик КМК» АЖ даги чиқинди «техноген ҳомашё»си ва мис-молибденли маъданларнинг таркибидаги моддаларнинг кимёвий ва минерологик шакллари ҳамда таркибини ўрганиш;

танланган органоминерал ингредиентларнинг ва ишлаб чиқиладиган кўп функцияли композицион кимёвий реагентларнинг тузилиши, физик-кимёвий хоссалари ва ўзаро таъсир механизмларини ўрганиш ҳамда рангли металл маъданларини флотация қилиш жараёнида қўллаш учун кимёвий флотореагентлар ва нефть-газ қудуқларини бурғулашда ишлатиш учун оғирлаштирилган бурғулаш эритмаларини олиш;

нефть ва газ конларида қатлам босими аномал юқори бўлган қудуқларни бурғулашда қўллаш учун маҳаллий хом ашё ва саноат чиқиндиларидан яратилган композицион кимёвий реагентлар асосида тайёрланган, ишлаб чиқилган оғирлаштирилган бурғулаш эритмаларининг физик-кимёвий ва технологик хусусиятларини ўрганиш;

рангли ва қимматбаҳо металллар маъданларини флотация қилиш учун ишлаб чиқариладиган импорт ўрнини босувчи композицион кимёвий флотореагентлар-

кўпиклантирувчи моддаларнинг флотацион қобилиятини ўрганиш ва уларнинг оптимал таркибини, шунингдек, уларни ишлаб чиқариш технологиясини аниқлаш;

бурғулаш эритмалари ва флотореагентлар-кўпиклантирувчи моддаларни тайёрлаш учун ишлаб чиқилган импорт ўрнини босувчи композицион кимёвий реагентларни лаборатория-ишлаб чиқариш ва тажриба – саноат синовларидан ўтказиш ҳамда рангли ва қимматбаҳо металллар маъданларини флотация қилиш ва нефть-газ қудуқларини бурғулаш жараёнида қўллаш ва уларни олишда фойдаланиш учун зарур бўлган норматив – техник хужжатларни ишлаб чиқиш, шунингдек, уларнинг техник-иқтисодий самарадорлигини ҳисоблашни амалга ошириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида барит, гематит, окалина, глицерин, ИАФ, алкил бензол, натрий лаурил сульфат, қарағай мойи, И-20А, «Олмалик КМК» АЖ техноген чиқиндиси, «Қолмоқир» кони мис-молибденли маъданлари, кальций оксиди, ишқор, спирт ва ёғ-мой заводларининг чиқиндиларилари олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, ишлаб чиқаришга техноген чиқиндиларни жалб қилиш ва четдан импорт қилинадиган маҳсулотларни маҳаллийлаштириш ҳисобига мамлакатимизнинг хомашё ресурсларини тўлдириш истиқболлини баҳолаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда замонавий физик-кимёвий таҳлил усулларида, ИҚ - спектроскопия, рентгенфазавий (РФТ), дифференциал-термик (ДТТ) таҳлиллар, индуктив боғланган плазмали масс-спектроскопия (ICP-MS) ва бошқа таҳлилнинг стандарт усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндиларидаги органоминерал ингредиентлар асосида ишлаб чиқарилган кўп функционалли композицион кимёвий реагентларнинг физик-кимёвий хусусиятларини ушбу ингредиентларнинг табиати, тури ва таркибига боғлиқ ҳолда ўзгариш қонуниятлари белгиланди ҳамда мис-молибден маъданлари флотация жараёнининг технологик омиллари ва бурғулаш эритмаларининг технологик хоссалари асосланган;

нефть-газ конларида аномал босими юқори бўлган қудуқларни бурғулашда фойдаланиш учун маҳаллий хом ашё ва турли саноат тармоқларининг техноген чиқиндиларидан КХР типдаги кўп функционалли композицион кимёвий реагентлар ва улар асосида оғирлаштирилган бурғулаш эритмаларининг оптимал таркиби ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган кўп функционалли композицион кимёвий реагентлар асосида тайёрланилган оғирлаштирилган бурғулаш эритмаларининг физик-кимёвий ва технологик хоссалари аниқланган;

композицион кимёвий флотореагентлар-кўпик ҳосил қилувчилар ва бурғулаш эритмалари учун ҳам композицион кимёвий реагентлар, маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндилари асосида танлаб олинган органоминерал

ингредиентларнинг физик-кимёвий хоссалари ва ўзаро таъсир механизмлари асосланган;

рангли ва қимматбаҳо металллар маъданларини флотация жараёнида қўллаш учун мўлжалланган импорт ўрнини босувчи композицион кимёвий флотореагентларни оптимал таркиби ва уларни олиш технологияси ишлаб чиқилган ҳамда флотация жараёнининг кинетикаси аниқланган;

импорт қилинадиган флотореагентларни (Т-92, Т-94 ва МИБК) алмаштириш имконияти мумкин бўлган, мавжудлиги, арзонлиги ва самарадорлиги билан ажралиб турадиган, мис-молибденли маъданларни флотацион бойитиш ва нефть-газ қудуқларини бурғулаш жараёнида ишлатиладиган оғирлаштирилган бурғулаш эритмаларини олишда, кўп функцияли композицион кимёвий флотореагентлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кўп функцияли композицион кимёвий реагент ҳамда «Олмалик КМК» АЖ техноген чиқиндилари асосида нефть-газ майдонларидаги қатлам босими аномал юқори бўлган қудуқларни бурғулашда ишлатиладиган оғирлаштирилган бурғулаш эритмаларини олишнинг оптимал таркиби ва технологик шароитлари аниқланган;

маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндиларидаги органоминерал ингредиентлар ҳамда кўп функцияли композицион кимёвий реагент асосида импорт ўрнини босувчи композицион кимёвий флотореагентларнинг оптимал таркиби аниқланган ва олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий компьютер ва дастурий воситаларидан фойдаланган ҳолда маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндиларини комплекс қайта ишлаб, нефть-газ ва металлургия саноати учун зарур бўлган композицион кимёвий реагентлар тайёрлашда муаллиф томонидан замонавий физик-кимёвий таҳлил усулларини қўллаб, ўтказилган бир қанча лаборатория ва саноат тажрибаларидан олинган натижаларга асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти органоминерал ва ноорганик ингредиентларнинг табиати, тури ва таркибининг физик-кимёвий ва эксплуатацион хусусиятларига таъсирининг қонуниятларини аниқлаш орқали маҳаллий хом ашё ва саноат чиқиндилари асосида кўп функционалли композицион кимёвий реагентларни яратиш ва олиш тамойилларини назарий ва амалда асослаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ушбу яратилган кўп функционалли композицион кимёвий реагентларни самарали таркибларини қўллаб, улар асосидаги оғирлаштирилган бурғулаш эритмаларини қатлам босими аномал юқори бўлган қудуқларда қўллаш, нефть ва газнинг сифатини, чиқиш унумини ошириш ҳамда маъданларни флотацион бойитиш жараёнида қўллаш орқали рангли ва қимматбаҳо металлларни ажратиш олинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндилари асосида бурғулаш эритмалари учун ва мис-молибденли маъданларни флотация қилиш учун импорт ўрнини босувчи кўп функцияли композицион кимёвий реагентларни ишлаб чиқиш бўйича илмий натижалар асосида:

кўп функционалли композицион кимёвий реагентлар асосида ишлаб чиқилган КХФ-ВС типдаги самарали композицион кимёвий флотореагентлар «Олмалиқ КМК» АЖда жорий этилган («Олмалиқ КМК» АЖнинг 2021 йил 18 ноябрдаги ХА-009445-сон маълумотномаси). Натижада, маъдан таркибидаги мис метали миқдори 14,01% бўлганда, уни 77,57% гача, миснинг миқдори 17,25% бўлган маъдандан стандарт флотореагент Т-92 билан эса 75,70% гача ажратиб олиш имконини берган;

КХФ-ВС типдаги импорт ўрнини босувчи композицион кимёвий флотореагентлар «Олмалиқ КМК» АЖ да жорий этилган («Олмалиқ КМК» АЖнинг 2021 йил 18 ноябрдаги ХА-009445-сон маълумотномаси). Натижада, маъдан таркибидаги молибден метали миқдори 0,272% бўлганда, уни 52,41% гача, молибденнинг миқдори 0,267% бўлган маъдандан стандарт флотореагент Т-92 билан эса 43,80% гача ажратиб олиш имконини берган;

ишлаб чиқилган импорт ўрнини босувчи, қимматбаҳо компонентларни ажратиб олиш қобилияти юқори бўлган, арзон композицион кимёвий флотореагентлар «Олмалиқ КМК» АЖ да жорий этилган («Олмалиқ КМК» АЖнинг 2021 йил 18 ноябрдаги ХА-009445-сон маълумотномаси). Натижада, Т-92 стандарт флотореагентини алмаштириш ва («Олмалиқ КМК» АЖнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 25 та анжуманларда, хусусан 9 та Республика ва 16 та халқаро илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 47 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациясининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 22 та илмий мақола, жумладан, 19 таси Республика ва 3 таси ҳорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация тузилиши кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 191 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги асосланади, мақсади ва вазифалари шакллантирилади, тадқиқот объекти ва ва предмети кўрсатилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси илм-фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги аниқланган, тадқиқотнинг илмий янгиллиги ва амалий натижалари келтирилган, уларнинг ишончлилиги асосланган, натижаларнинг назарий ва

амалий аҳамияти очиб берилган, ишланмаларни амалга ошириш натижалари, ишни синовдан ўтказиш натижалари ва нашр этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши, шунингдек тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Мис–молибден маъданларини флотация қилишда ва нефть-газ қудуқларини бурғулаш жараёнида ишлатиладиган кимёвий реагентлар ва улар асосидаги бурғулаш эритмаларининг замонавий ҳолати ва уларни тахлили**» деб номланган биринчи бобда сўнгги йилларда ишлаб чиқилган турли хил композицион кимёвий реагентларнинг ҳолати ва ишлатилиш муаммоларини ўрганадиган замонавий адабиёт манбалари ҳақида умумий маълумот ва таҳлил қилиш натижасида, юқори физик-кимёвий ва эксплуатацион хусусиятларга эга композицион кимёвий реагентларнинг самарали таркибини яратишга қўйилган талаблар келтирилган. Маҳаллий хом ашё ва саноат чиқиндиларидан олинган органо-ноорганик ингредиентларнинг тури, таркиби, тузилиши, нисбати ва миқдорига боғлиқ ҳолда кимёвий реагентлар ва улар асосидаги бурғулаш эритмаларининг ҳамда флотореагентларнинг тури, таркиби ва олиш усуллари келтирилган, бунинг учун “Қалмоқир” конининг мис-молибден маъданидаги ва техноген чиқиндиларининг кимёвий ва минералогик таркибини билиш зарур.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, нефть ва газ қудуқларини бурғулашда ҳамда рангли ва қимматбаҳо металллар маъданларини флотациялашда ҳозирги вақтда мавжуд бўлган кимёвий реагентлар четдан олиб келинаётгани ва жуда қимматлиги, шунингдек, керакли натижани бермаётгани тадқиқотлар натижасида аниқланди. Шу сабабли, ушбу диссертация иши бурғулаш эритмалари ва мис-молибден маъданларини флотациялаш учун маҳаллий хом ашё ва саноат чиқиндилари асосида кўп функционалли импорт ўрнини босувчи композицион кимёвий реагентларни ишлаб чиқишга бағишланган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот объектларини танлаш ва асослаш ҳамда органо-ноорганик ингредиентларнинг ва композицион кимёвий реагентларнинг хусусиятларини тадқиқ қилиш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида объектни танлаш ва асослаш шакллантирилган, бунинг асосида маҳаллий хом ашё ва турли саноат чиқиндилари асосида кўп функционалли композицион кимёвий реагентларни олиш усуллари ишлаб чиқилган.

Нефть ва газ қудуқларини бурғулаш ҳамда мис-молибден маъданларини флотациялашда ишлатиладиган маҳаллий хом ашё ва саноат чиқиндиларидаги органоминерал ингредиентлар асосида композицион кимёвий реагентларни олиш усуллари, шунингдек, барча органо-ноорганик ингредиентларнинг физик-кимёвий ва технологик хусусиятларини аниқлаш усуллари келтирилган. Маҳаллий ва иккиламчи хом ашёлар асосида кўп функционалли композицион кимёвий реагентларни ишлаб чиқишда органоминерал ингредиентлардан фойдаланиш имконияти таҳлил қилинган ва асосланган ҳамда экспериментал тадқиқот натижаларининг статистик ва математик қайта

ишлаш усули келтирилган.

Диссертациянинг «Маҳаллий хомашё ва металлургия саноати чиқиндиларидаги минерал ингредиентларнинг физик-кимёвий ва технологик хоссаларини ўрганиш ва нефть-газ қудуқларида юқори босимли қатламларни бурғулаш жараёнида қўллаш учун самарали композицион кимёвий реагентлар ва улар асосида оғирлаштирилган бурғулаш эритмаларини ишлаб чиқиш» деб номланган учинчи бобида юқори зичликка эга бурғулаш эритмаларини олиш учун композицион кимёвий реагентларнинг самарали таркибини яратишда маҳаллий хом ашё ва саноат чиқиндиларидаги танлаб олинган минерал ингредиентларнинг физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш натижалари келтирилган.

Оғирлаштирилган бурғулаш эритмаларини тайёрлаш учун оғирлаштирувчи модда сифатида асосан барит ва карбонатли оғирлаштирувчи моддалар ишлатилади: мармар кукуни, доломит, оҳактош ва бошқалар. Шунини таъкидлаш керакки, металлургия саноатининг ишлаб чиқариш чиқиндиларида зичлиги юқори бўлган турли металлларнинг қолдиқлари мавжуд бўлиб, уларни асосида оғирлаштирилган бурғулаш эритмаларини олиш учун оғирлаштирувчи модда сифатида ишлатилиши мумкин. Агар биз 1 тонна қиммат барит типидagi оғирлаштирувчи модда нархини ҳисобга олсак, уни арзонроқ оғирлаштирувчи моддалар билан қисман алмаштириш оғирлаштирилган бурғулаш эритмаларини тайёрлаш учун материаллар нархини сезиларли даражада камайтиради, шунингдек қудуқ қурилишининг техник ва иқтисодий самарадорлигини оширади. Шунинг учун ҳам юқоридаги минераллардан ташқари сўнгги йилларда металлургия саноатидаги турли хил чиқиндилардан оғирлаштирувчи восита сифатида фойдаланилмоқда.

Сўнгги йилларда металлургия саноатининг турли чиқиндилари оғирлаштирувчи восита сифатида ишлатилмоқда. «Олмалиқ КМК» АЖ мисни бойитиш фабрикаси (МБФ) флотацияси чиқиндилари ва «Ўзметкомбинат» АЖ - окалина, гематит чиқиндилари оғирлаштирувчи модда сифатида ишлатилади.

Оғирлаштирилган бурғулаш эритмаси таркибидаги компонентларнинг миқдори уларнинг табиати, тузилиши, нисбати ва заррача ўлчамига боғлиқ эканлиги аниқланган.

«Ўзметкомбинат» АЖ қора металл чиқиндиларидан бири қайта ишланган окалина концентрати ҳисобланади. У хом ашё таркибига талаб қилинган даражадаги зичликга ($4,5-5 \text{ г/см}^3$) эришиш учун, зарур бўлган эритманинг зичлигини ошириш учун аралашмага қўшилади. У бир-биридан осон ажраладиган икки қатлам темир оксидлари Fe_2O_3 , FeO аралашмасидан иборат.

1-жадвалда таҳлилнинг масс - спектроскопик усули билан аниқланган окалина чиқиндисининг элементар таркиби миқдори бўйича маълумотлар келтирилган. Олинган маълумотлар чиқиндиларнинг таркиби ҳар хил эканлиги ҳақида маълумот беради. Таркибидаги миқдори ppm (mkg/g, g/t).

Жадвалдан кўриниб турибдики, чиқиндининг асосий таркиби юқори зичликдаги металллардан иборат бўлиб, улардан республикада нефть ва газ


кудукларини бурғиладда оғирлаштирилган бурғилад эритмасини тайёрлаш учун оғирлаштирувчи восита сифатида фойдаланиш мумкин.

1 – жадвал

"Ўзметкомбинат" АЖ чиқиндиси - окалинанинг масс-спектроскопик таҳлили

Номланиши	Na	Mg	Al	Mn	Ca	Fe	Cu	Ni
Окалина	1000	1800	2800	10000	9500	>20%	3100	2000

Бундан ташқари, окалинанинг кимёвий таркибини тасдиқлаш учун рентген фазали ва дифференциал термик таҳлил ўтказилди.



1 - Расм. «Ўзметкомбинат» АЖ ишлаб чиқариш чиқиндиси - окалинанинг рентгенограммаси

Окалина чиқиндиси таркибидаги минералларни аниқлаш натижаларига кўра, унда асосан, темир, алюминий, калий, кальций, магний ва бошқа металл оксидлари мавжуд экан.

Маҳаллий ва арзон оғирлаштирувчи воситани ишлаб чиқиш мақсадида Олмалик кон-металлургия комбинати мисни бойитиш фабрикаси (МБФ) чиқиндиларининг кимёвий таркиби ва физик-кимёвий хоссалари тадқиқ қилинди. Мисни бойитиш фабрикасининг (МБФ) флотация чиқиндиси - тўқ кулранг кукун темиралюмосиликатли моддадир.

«Олмалик КМК» АЖ чиқиндисининг зичлиги 3200-3300 кг/м³, сув шимувчанлиги - 0,15 - 0,3%, сиқилишга чидамлилиги - 500-2000 кгс/см², ғоваклиги - 0,6-2,5%, едирилиши - 0,40 дан 3,50 г/см². Ушбу техноген чиқинди бурғулаш эритмаларини тайёрлашда оғирлаштирувчи воситаси сифатида ишлатилган.

Жадвалда «Олмалик КМК» АЖ чиқиндисининг элементар таркиби маълумотлари масс-спектроскопик таҳлил усулида аниқланган миқдор бўйича келтирилган. Флотация чиқиндиси намунасининг кимёвий таҳлил натижалари улар таркибининг доимийлиги, кам ўзгарувчан кимёвий таркибга эгаллигини ва бу 2-жадвалда кўрсатилган. Таркибидаги миқдори ppm (mkg/g, g/t).

2-жадвалдан кўриниб турибдики, «Олмалик КМК» АЖ чиқиндисиди юқори зичликдаги металллар мавжуд бўлиб, улардан нефть ва газ кудукларини бурғиладда ишлатиладиган оғирлаштирилган бурғилад эритмаларини тайёрлаш учун оғирлаштирувчи модда сифатида фойдаланиш мумкин.


2 – жадвал

«Олмалик КМК» АЖ чиқиндисининг масс-спектроскопик таҳлили


Номланиши	Na	Mg	Al	K	Ca	Fe	Cu
«Олмалик КМК» АЖ чиқиндиси	4100	9200	27000	36000	10000	43000	1700

Металлургия саноати техноген чиқиндиларининг гранулометрик таркиби баритга нисбатан ўрганилди. 2-расмда ишлатиладиган оғирлаштирувчи воситаларнинг ўртача заррача ўлчами ҳамда кичик ва катта заррачалар ўлчами кўрсатилган. Гематит ва окалинада 10 μm дан катта заррачалар 95% дан кўп тарқалганлиги кўрсатилган. «Олмалиқ КМК» АЖнинг чиқиндиси ва баритда заррачалар ўлчами 10 μm дан кам бўлган заррачалар миқдори кўп. Бу шуни кўрсатадики, заррача ҳажми қанчалик кичик бўлса, у эритма таркибида ўзаро боғланган тикилган структурани шунча яхши ҳосил қилади.

Бундан ташқари, «Олмалиқ КМК» АЖнинг чиқиндисининг макрокомпонентли таркиби РФТ, ИҚ спектроскопия ва ДТ таҳлиллар ёрдамида текширилди, олинган натижалар 3 – расмда келтирилган.



2 – Расм. Ишлатиладиган оғирлаштирувчи минераллар заррачаларининг ўлчами



3 – Расм. «Олмалиқ КМК» АЖнинг чиқиндисининг рентгенограммаси


Турли ҳароратларда куйдирилган МБФ флотацияси чиқиндисининг рентгенограммасида кварцнинг характерли максимумлари намён бўлади $d=0,2736; 0,224; 0,153$ нм, дала шпати $d=0,200; 0,086$ нм, гидрослюдадар $d=0,441; 0,254; 0,148$ нм, гематит $d=0,370; 0,471; 0,499$ нм, геленит $d=0,607; 0,684; 0,688$ нм.

Шундай қилиб, тадқиқот натижаларидан шуни хулоса қилиш мумкинки, «Олмалиқ КМК» АЖ ва «Ўзметкомбинат» АЖ металлургия саноатлари кукун чиқиндиларидан фойдаланиш учун уни нефть ва газ қудуқларини бурғилаш жараёнида улар асосида оғирлаштирилган бурғилаш эритмаларини тайёрлаш учун минералогик таркиби, тузилиши ва зичлиги оғирлаштирувчи моддаларга қўйилган талабларига жавоб берадиган тарзда қайта ишлаш ва ҳисоблаш керак.

Танланган органико-ноорганик моддалар тури ва миқдорининг ишлаб чиқиладиган кимёвий реагентларнинг физик-кимёвий хусусиятларига таъсири ҳам ўрганилди. Ишлаб чиқилган кўп функционалли композицион кимёвий реагентларнинг физик-кимёвий ва технологик хоссаларини турли ҳароратларда ўрганиш учун 4 (а, б) -расмда кўрсатилган бурғилаш эритмалари тайёрланган. 4 - расмдан кўриш мумкинки, кўп функционалли композицион кимёвий реагент концентрациясини 1% дан 10% га ортиши билан, (4 - расм, а) эритманинг шартли қовушқоқлиги 107 с. га ортади ва сув чиқиши (4 - расм., б) $4,0 \text{ см}^3/30$ мин камади. $20 \text{ }^\circ\text{C}$ дан $80 \text{ }^\circ\text{C}$ гача бўлган ҳарорат таъсирида


эритманинг қовушқоқлиги 107 с дан 40 с гача камаяди ва бурғилаш эритмасининг сув чиқиши 18 см³/30 мин гача ошади.

Эгри чизиклардаги бу мунтазамлик юқори молекуляр бирикманинг эритмада сувга нисбатан барқарор кучли ўзаро тикилишини ҳосил қилиши билан изоҳланади. Сувда эришини ортиши билан бурғилаш эритмасининг қовушқоқлиги ортади ва эритмаларнинг сувни чиқариши камаяди. Аммо ҳароратнинг ошиши эритмадаги юқори молекуляр бирикманинг тикилган тузилишини узилишига олиб келади.



1 – 20⁰С, 2 – 50⁰С, 3 – 80⁰С
4-Расм. Бурғилаш эритмасининг шартли қовушқоқлигини (а) ва сув чиқишини (б) турли ҳароратларда кўп функционалли композицион кимёвий реагентнинг концентрациясига боғлиқлиги

«Олмалиқ КМК» АЖнинг техноген чиқиндиси ва кўп функционалли композицион кимёвий реагент асосида тайёрланган бурғилаш эритмаларининг турли ҳароратлардаги физик-кимёвий ва технологик хусусиятлари 5-расмда келтирилган.



1 – 20⁰С, 2 – 50⁰С, 3 – 80⁰С
5 - Расм. “Олмалиқ КМК” АЖнинг чиқиндиси билан оғирлаштирилган бурғилаш эритмаси концентрациясининг турли ҳароратларда қовушқоқлик ва статик кучланиш силжишига (СНС_{1/10}) боғлиқлиги

5-расмдан кўришиб турибдики, «Олмалиқ КМК» АЖнинг чиқиндиси билан 60-65% миқдорида оғирлаштирилган бурғилаш эритмасининг зичлиги 1,45-1,65 г/см³, қовушқоқлиги эса 125-135 с, СНС_{1/10} 30-35 дПа ни ташкил этади. Ҳарорат 20⁰С дан 80⁰С гача ошиши билан оғирлаштирилган бурғулаш эритмасининг қовушқоқлиги ва СНС_{1/10} қиймати 60-65 с га ва 15-20 дПа га камаяди. Эритманинг сув чиқиш қиймати 8-10 см³/30 мин гача ортади ва водород кўрсаткичи 9-10 бўлади. Ҳарорат таъсири остида оғирлаштирилган

бурғулаш эритмасининг хусусиятларининг ўзгариши бурғулаш эритмасининг ўзаро тикилган структурасининг бузилиши билан изоҳланади.

3-жадвалда «Олмалиқ КМК» АЖнинг чиқиндиси ва кўп функционалли композицион кимёвий реагент асосида чучук ва шўр сувдаги оғирлаштирилган бурғулаш эритмаларининг самарали таркиби ва технологик параметрлари келтирилган.

Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, «Олмалиқ КМК» АЖнинг чиқиндиси бурғулаш эритмасига қўшилганда технологик параметрларнинг бир текис ўзгариши кузатилади, коагуляция қуюқланиш ва оғирлаштирувчи моддаларнинг эритмада маълум бир вақт мобайнида чўкиб қолиши кузатилмади (0-0,2%).

3 - жадвал

“Олмалиқ КМК” АЖнинг чиқиндиси ва КХР-УР асосида оғирлаштирилган бурғулаш эритмаларининг самарали таркиби ва технологик параметрлари

Оғирлаштирилган бурғулаш эритмаси таркиби				Технологик параметрлари				
КХР-УР, %	“Олмалиқ КМК” АЖ чиқинди, %	NaCl, %	Нефть, %	γ , г/см ³	T ₅₀₀ , сек	B, см ³ /30 мин	K, мм	pH
10	50	-	5	1,33	52	4-5	0,2	10
10	100	-	5	1,55	64	4-5	0,2	10
10	125	-	5	1,66	88	4	0,3	10
10	125	15	5	1,68	82	4	0,3	11
10	125	30	5	1,68	76	4	0,3	11
100 ⁰ С да 2 соат мобайнида қиздириш				1,68	64	4	0,3	11

Шу билан бирга таркибида «Олмалиқ КМК» АЖнинг чиқиндисининг миқдори ортган сари бурғулаш эритмасининг зичлиги ҳам 1,30-1,68 г/см³ оралиғида ошиб борди. Такқослаш учун КХР-УР ва барит асосида оғирлаштирилган бурғулаш эритмаларининг самарали таркиби ва технологик параметрлари 4 - жадвалда келтирилган.

4 - жадвал

КХР-УР ва барит асосидаги оғирлаштирилган бурғулаш эритмаларининг самарали таркиби ва технологик параметрлари


Оғирлаштирилган бурғулаш эритмаси таркиби				Технологик параметрлари				
КХР-УР, %	Барит масс,ч	NaCl,%	Нефть, %	γ , г/см ³	T ₅₀₀ , сек	B, см ³ /30 мин	K, мм	pH
10	100	-	8	1,67	60	0-1	0,3	10
10	150	-	8	1,85	98	1-2	0,5	10
10	200	-	8	2,13	256	2-3	0,7	10
10	200	15	8	2,15	134	4-5	0,7	9
100 ⁰ С да 2 соат мобайнида қиздириш				2,15	63	5-6	0,7	9

